

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ПРИМОВ МУҲИДДИНЖОН ОМОНОВИЧ

**1924–1990 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА КАРТОГРАФИЯ ТАРИХИ:
ҲОЛАТИ, БОСҚИЧЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи
07.00.02 – Фан ва технологиялар тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Примов Муҳиддинжон Омонович

1924–1990 йилларда Ўзбекистонда картография тарихи: ҳолати,
босқичлари ва муаммолари 3

Примов Муҳиддинжон Омонович

История картографии в Узбекистане в 1924–1990 годах:
состояние, этапы и проблемы 25

Primov Mukhiddinjon Omonovich

History of cartography in Uzbekistan in 1924–1990: state, stages
and problems 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ПРИМОВ МУҲИДДИНЖОН ОМОНОВИЧ

**1924–1990 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА КАРТОГРАФИЯ ТАРИХИ:
ҲОЛАТИ, БОСҚИЧЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи
07.00.02 – Фан ва технологиялар тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Таг483 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Эргашева Юлдуз Алимовна
тарих фанлари доктори, профессор

Эгамбердиев Асомберди
география фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Таг.01.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.). Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____даги ___ - рақамли реестр баённомаси).

Х.Э.Юнусова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Б.Б.Хайназаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.ф.д. (PhD), доцент

Н.У.Мусаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги рақамли иқтисодиёт ҳамда глобал интеграция жараёнида ҳудудлараро коммуникацияни таъминлашда картографик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва доимий такомиллаштириб боришга бўлган эҳтиёж янада ортмоқда. Жаҳон миқёсида харитасиз бирон-бир ҳудуднинг табиати, хўжалиги, тарихи ва бошқа хусусиятлари тўғрисида аниқ кўргазмалар маълумотга эга бўлиш қийин. Шунингдек, хариталар такомиллаштирилиб, атроф-борлиқнинг универсал – виртуал моделига айланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, картография соҳасининг генезиси, унинг тарихий тараққиётини ўрганиш асосида хариталарни такомиллаштириш методлари, айти йўналишдаги маҳаллий хусусиятларни жаҳон стандартлари даражасида ривожлантиришни тақозо қилади. Мазкур жараёнлар давлат ва жамият ҳаётидаги хариталар билан боғлиқ масалаларни тез ва осон ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё миқёсида картография тизимининг шаклланиш босқичлари, географик ҳамда картографик жамиятлар таркибида кечган ўзгаришлар, давлат ва жамият ҳаётини бошқаришда картографик ташкилотларнинг тутган ўрни, совет даври картографияси хариталарнинг шаклланиш эволюциясига доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, атроф муҳитни хариталаштиришда замонавий методлар, хусусан, географик ахборот тизими (ГАТ) дастурлари асосида маълумотлар омборини яратиш, хариталардаги ўзгаришларни аниқлашда аэрокосмик ва учувчисиз бошқариладиган аппарат (дрон)лардан фойдаланиш орқали мониторинг олиб боришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам картография соҳаси ташкилотлар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, картографик тизим электрон базаларини интеграция қилиш, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ҳамда қурилиш каби соҳаларда ер ҳисобини аниқ юритиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. “Ер тури, контури, чегараси ва фойдаланувчиси ҳақида маълумотлар жамланган ахборот тизимини ишга тушириш”¹ картография ҳамда кадастр идоралари фаолиятида асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон харитаси ер балансини аниқ юритишда муаммоларнинг олдини олиш ва уларни илмий таҳлил этишда энг аввало Ўзбекистонда 1924–1990 йиллардаги картография муаммолари ва истиқбол тажрибаларини тарихий-ретроспектив жиҳатдан тадқиқ этишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги 417-И-сон “Геодезия ва картография тўғрисида”, 1998 йил 28 августдаги 666-И-сон “Давлат ер кадастри тўғрисида”, 2000 йил 15 декабрдаги 171-И-сон “Давлат кадастрлари тўғрисида”, 2020 йил 2 июлдаги 626-сон “Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини тўлиқ шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари” бўйича йиғилишдаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 22 июль

Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3024-сон “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Танланган давр Ўзбекистон картографияси тарихига оид тадқиқотларни хронологик жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: биринчи гуруҳ – совет даврида нашр этилган адабиётлар, иккинчи гуруҳ – мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар ва учинчи гуруҳ – хорижий мамлакатлардаги илмий адабиётлар.

Биринчи гуруҳдаги тадқиқотлар ҳам, ўз навбатида, икки босқичга бўлинади. Биринчи босқич 1920–1950 йилларни ўз ичига олиб, уларга Р.Қобилий, Е.П.Коровин ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларини таъкидлаб ўтиш лозим². Иккинчи босқич 1960–1980 йилларни ўз ичига олиб, бу давр Иккинчи жаҳон урушида етказилган зарарни қоплаш, хом ашё манбалари ўрнини аниқлаш, маълум бир ҳудудга тез ва яқинроқ масофадан етиб бориш мақсадида картографик тадқиқотларга кенгроқ эътибор қаратиш доирасида ёритиб келинди. Бу тадқиқотлар картографияда янги методлардан фойдаланиш, ҳудудлар хариталарини тузишда янги белгилар орқали янада каттароқ масштабда кенгроқ ҳудудни хариталаштириш орқали давлат иқтисодиётини режали асосда ривожлантириш, ишлаб чиқариш кучларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ва мамлакат муҳофаа қобилиятини оширишга бағишланган эди. Хусусан, Л.С.Берг, Н.Баранский ва бошқа бир қатор тадқиқотчиларнинг ишлари шулар жумласидандир³.

² Қобилий Р. Кичкина жўгрофия атласи устида // Маориф ва ўқитғувчи, 1929. – №6. – 30-32 б.; Коровин Е.П. Геоботаническая карта Узбекистана // Юбил. сборник, посвящённый 25 летию УзССР. – Ташкент: АН УзССР, 1949; Преображенский А.И. Русские экономические карты и атласы. – М.: Гос. изд-во географической литературы, 1953. – 321 с.; Андреева Е.Ю. М.Шокальский – океанограф, метеоролог, географ. – Л., 1956. – 630 с.; Крачковский И.Ю. Избр. Соч. Т. IV. – Л., 1957; Югай Р.Л. О неизвестной карте Средней Азии и Казахстана // Изв. Узб. Филиал Геогр. Общества. 1957. Т. III. – С. 30-45.

³ Берг Л.С. Очерк истории исследований в связи с историей картографии Аральского моря. – М., 1960. – 209 с.; Баранский Н., Преображенский А. Экономическая картография. – М.: Гос. изд-во геогр. лит., 1962. – 282 с.; Югай Р.Л. История развития географических и картографических представлений о пустыне Кызылкум. – Ташкент: Фан, 1966. – 184 с.; Рахимбеков Р.У. Из истории изучения природы Средней Азии. – Ташкент: Ўқитувчи, 1970. – 268 с.; Гараевская Л.С. Картография. – М.: Недра, 1971. – 360 с.; Гальков Ч.В., Рахимбеков Р.У., Югай Р.Л. Ўзбекистон карталари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 103 б.; Баранский Н.Н. Научные принципы географии. Избранные труды. – М., 1980. – 239 с.; Леонтьев Н.Ф. Тематическая картография. – М.: Наука, 1981. – 104 с.; Заруцкая И.П. Проектирование и составление карт:

Бу даврда яратилган кўплаб адабиётларда иттифоқдош республикалар қатори Ўзбекистоннинг ҳам махсус хариталари ўрин олган. Чунончи, Ўзбекистон худуди илк бор акс этирилган хариталар тарихи, рус олимлари ва сайёҳларининг ўлкани географик ўрганишлари ҳамда худуднинг харитасини яратиш борасидаги самарали ишлари ҳақида батафсил маълумот берилган.

К.А.Салишевнинг совет даври картографиясига қўшган ҳиссаси туфайли хариталардан фойдаланиш муаммолари ва картографик тадқиқот усуллари жаҳон картографиясида ҳам алоҳида илмий йўналишга асос бўлди⁴.

Иккинчи гуруҳ, яъни мустақиллик йилларида ўзбек олимлари асарларида ҳам картографик методлардан хариталар тузишда фойдаланиш, геоинформацион картография, компьютердан картографик моделлаштириш усуллари каби масалалар ўрин олган⁵.

Картограф олимлар томонидан нашр этилган турли тадқиқотларда Ўзбекистоннинг атлас картографияси, ижтимоий-иқтисодий картографияси, республика картографиясининг муҳим муаммолари таҳлил этилган⁶.

М.Тешабоев, Ҳ.Ҳасанов каби олимлар томонидан ўрта асрлар ва янги даврда олиб борилган картографик тадқиқотлар тарихи ёритилган⁷.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон картографияси тарихига оид тадқиқотлар орасида Т.Мирзалиевнинг Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий картографиясининг вужудга келиши ва республиканинг атлас картографияси тарихига бағишланган докторлик диссертацияси⁸ ҳамда Ўзбекистоннинг сув хўжалиги, табиат муҳофазаси, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш зоналари, экологик ва иқтисодий ҳолатлари ёритилган хариталари⁹ муҳим аҳамият касб этади.

Общегеографические карты. – М.: МГУ, 1982. – 208 с.; Берлянт А.М. Карта – второй язык географии. – М.: Просвещение, 1985. – 192 с.

⁴ Салишев К.А. Картография. – М.: Высшая школа, 1966. – 214 с.; Его же. Генерализация в ее истории и современном развитии // Итоги науки и техники. Картография. Т. V. – М.: ВИНТИ, 1972. – С. 11-14; Его же. Картоведение. – М.: Изд-во Московского университета, 1976. – 437 с.; Его же. Картоведение. – М.: Изд-во Московского университета, 1990. – 400 с.

⁵ Муборақов Ҳ., Ахмедов С. Геодезия ва картография. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – 304 б.; Мирзалиев Т. Картография. – Тошкент, 2002. – 202 б.; Мирзалиев Т., Мусаев И. Картография. – Тошкент: Илм зиё, 2007. – 160 б.; Эгамбердиев А. Ўзбекистонда комплекс харитага олиш: унинг ривожланиши, ҳолати, истиқболлари, муаммолари. – Тошкент, 2011. – 28 б.

⁶ Мирзалиев Т., Сафаров Э.Ю., Эгамбердиев А., Қорабоев Ж.С. Карташунослик. – Тошкент: Чўлпон, 2012. – 240 б.; Қодиров А., Мавлонов А., Абдувалиев Ҳ., Эгамбердиев А. Ўзбекистонда социал-иқтисодий картографиянинг ривожланиши // “Ўзбекистон миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2009. – 191-195 б.; Арабов С.А. Ўзбекистонда картографиянинг асосий муаммолари // “Ўзбекистон миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2009. – 6-7 б.

⁷ Тешабоев М. Картографические и геодезические работы ал-Хоразми и Бируни // Изв. Узб. Филиал Геогр. Общества СССР. Т. III. – Ташкент, 1957. – С. 185-189.; Ҳасанов Ҳ., Бўриев О. Ал-Хоразмий географияси. – Тошкент: Фан, 1983. – 72 б.; Бўриев О. Устознинг хатосини тузатган шоғирд // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1976. – №5. – 10-11 б.

⁸ Мирзалиев Т. Основы формирования и развития социально-экономического картографирования в Узбекистане. Дис... докт. геог. наук. – Ташкент: ТашГУ, 1996. – 57 с.

⁹ Мирзалиев Т., Карабаев Д. Охрана природы. Атлас Узбекской ССР. – М., 1981. – С. 24; Мирзалиев Т., Эгамбердиев А. Водное хозяйство и орошение. Там же. – С. 32-33; Мирзалиев Т., Акрамов З., Эгамбердиев А. Экономическая карта. Там же. – С. 28-29.; Мирзалиев Т. и др. Карта промышленности Узбекской ССР (В

А.Эгамбердиевнинг илмий ишларида эса Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, қишлоқ хўжалиги хариталари, картография соҳасидаги муаммолари ёритилган¹⁰.

Ўзбекистоннинг хорижда чоп этилган тарихий хариталари ҳам бир қатор тарихчи олимлар томонидан тадқиқ этилган¹¹.

Профессор Н.Мусаев ва бошқа тадқиқотчи олимлар томонидан сўнги йилларда “Ўзбекистон тарихи атласи” чоп этилиб, унда тарихий жараёнлар акс этган кўплаб хариталарни жамлаган¹².

Учинчи гуруҳ, яъни хорижий тадқиқотчилар томонидан нашр этилган адабиётлар ва олиб борилган турли тадқиқотларда замонавий картографик методлар ҳамда картография соҳасидаги сўнги изланишлар билан боғлиқ маълумотлар ўрин олган. Хорижий мамлакатларда мавзунинг баъзи жиҳатлари Кроун Жералд Роу, Жон Ҳатзопоулус ва бошқалар томонидан ўрганилган¹³.

Санаб ўтилган ва бошқа тадқиқотларда Совет картографияси тарихи кўриб чиқилган бўлса-да, бу даврда айнан Ўзбекистон картографияси тарихига бағишланган яхлит тадқиқотлар ҳали олиб борилмаган. Бу эса илмий иш долзарблигини белгилайдиган асосий омилдир.

кн. Узбекская ССР). – М., 1981. – 184 с.; Мирзалиев Т. Географический атлас г. Ташкента (Промышленность Ташкента и пригородных районов). – Москва–Ташкент, 1984; Мирзалиев Т. Атлас Узбекской ССР. Часть II. – Москва–Ташкент, 1985. 36 социально-экономических карт; Мирзалиев Т., Рафиков А.А. и др. Ўзбекистоннинг экологик картаси. Масштаб 1:1 000 000. – Тошкент, 1991; Мирзалиев Т., Базарбаев А. и др. Национальный состав Узбекистана. Масштаб 1:1 000 000. – Ташкент, 1991; Мирзалиев Т. Ўзбекистоннинг иқтисодий картаси. Масштаб 1: 1 000 000. – Тошкент, 1994.

¹⁰ Эгамбердиев А. Карта шажараси // Фан ва турмуш. 1978. – №12. – 8-9 б.; Эгамбердиев А. Атласное картографирование хлопководства: (на примере Узбекистана): Дис... канд. геогр. наук. – Киев, 1983. – 184 с.; Эгамбердиев А., Бадалов У., Тўйчиев Д. Ўзбекистонда атлас картографиясининг ривожланиши ва уни истиқболлари ҳақида // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 20-жилд. – Тошкент, 1999. – 187-190 б.; Эгамбердиев А., Абдуллаев И., Суёнов Ф. Ўзбекистон ер кадастри атласининг лойиҳаси ҳақида мулоҳазалар // Географик экология ва табиатдан фойдаланиш муаммолари (Илмий тезислар). – Тошкент, 1999. – 117-119 б.; Эгамбердиев А. Ўзбекистонда картографиянинг шаклланиши, ҳозирги ҳолати, муаммолари ва истиқболлари. – Тошкент: Университет, 2001. – 58 б.; Эгамбердиев А., Маҳмадалиев Р.Й., Ибрагимов О. Ўзбекистон Миллий атласини яратиш давр тақозоси // Жанубий Ўзбекистонда география мактабининг шаклланиши ва ривожланиши. – Термиз, 2006. – 22-24 б.; Эгамбердиев А., Салоҳитдинова С., Назаров М.Н. Ўзбекистон Миллий атласи: моҳияти, мазмуни, тузилиши // Ўзбекистон Миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари. – Тошкент, 2009. – 26-28 б.

¹¹ Камалиддин Ш., Мукминова Р. Заметки о географической карте Средней Азии Абрахама Мааса // O'zbekiton tarixi. – Ташкент, 2003. – №1. – С. 16-26; Камалиддин Ш. Ўзбекистоннинг ўрта асрларга оид хариталари // Moziydan sado. – Тошкент, 2005. – №2 (26). – 30-31 б.; Камалиддин Ш. Василио Ватаченинг Ўрта Осиё харитаси ҳақида // Moziydan sado. – Тошкент, 2005. – №3(27). – 36-41 б.; Саидбобоев З. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI–XIX асрлар). – Тошкент: Фан, 2008. – 151 б.; Муртазаева Р.Х., Эшов Б., Саидбобоев З.А. Тарих атласларини яратилиш тарихи масаласига доир // “Ўзбекистон Миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ЎЗМУ, 2009. – 14-17 б.

¹² Мусаев Н.У., Холиқулов А.Б., Хушвақтов Ҳ.О., Тоғаев М.А. Ўзбекистон тарихи атласи. – Тошкент: Картография ИИЧДК, 2021. – 32 б.

¹³ Crone Gerald Roe. Maps and their makers: an introduction to the history of cartography. 4th rev. ed., – London, 1968. – 184 p.; John N. Hatzopoulos. Topographic mapping. Covering the Wider Field of Geospatial Information Science & Technology (GIS&T). – Florida: Universal Publishers, 2008. – 720 p.; Menno-Jan Kraak, Ferjan Ormeling. Cartography: visualization of spatial data. Third edition. – London and New York: The Guilford press, 2010. – 200 p.; Peterson, Gretchen N. GIS Cartography: a guide to effective map design. Second edition. – London and New York: CRC Press, 2014. – 300 p.; Robinson A.H. Elements of cartography. V ed., 1985. – 674 p.; Robinson A.H. Elements of cartography. V ed., 1985. – 674 p.; Tyner, Judith A. Principles of map design. – New York: The Guilford Press, 2010. – 272 p.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида амалга оширилган ОТ-Ф1-109 – “Ўзбекистонда ер-сув муносабатлари тарихи” мавзусидаги фундаментал лойиҳа (2017–2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1924–1990 йилларда Ўзбекистонда картография соҳасининг ривожланиш тарихини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

картография тарихини тадқиқ этишга оид назарий ёндашувлар ҳамда методларни таҳлил қилиш;

республикада ХХ асрнинг 20-йилларида совет картография тизимининг шаклланиши ҳамда Тошкент картография фабрикасининг ташкил этилиши ва фаолиятини очиб бериш;

Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда республикада картография соҳасида амалга оширилган ишларни ёритиш;

1924–1990 йилларда Ўзбекистонда ўқув хариталари ва тармоқ атласларининг яратилиш тарихини тизимли таҳлил қилиш;

Собиқ совет даври Ўзбекистон картографиясидаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш;

республикадаги картография билан боғлиқ илмий ва ўқув муассасалари фаолиятини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти этиб 1924–1990 йилларда Ўзбекистон картографияси бўйича амалга оширилган фаолият белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда 1924–1990 йиллардаги картография фаолиятини амалга ошириш борасидаги Ўрта Осиё аэрофотогеотрести, Ҳарбий топография бошқармаси, Кўнгилли учувчилар жамияти (Добролет) ва Ўзгипрозем каби картографик ташкилотлар, Тошкент картография фабрикаси фаолияти, картограф кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ жараёнлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимлаштириш, комплекс ёндашув, анализ ва синтез, картографик таҳлил ҳамда фанлараро ёндашув каби илмий тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

1924–1990 йилларда Ўзбекистонда совет картографияси ютуқларини ўзида жамлаган алоҳида фан тармоғи сифатида ривожланганлиги, картографик ишларни амалга оширишда аэросуратга олиш ва хариталаштириш учун зарур техника ҳамда жиҳозларни Ўрта Осиё республикалари билан ҳамжиҳатликда қўлланиш жараёнида экин мавсуми билан боғлиқ даврий жиҳатдан мос келмаслик ҳолатлари баъзи муаммоларни келтириб чиқарганлиги аниқланган;

марказдан Ўзбекистондаги картографик ишларга ажратилиши зарур бўлган маблағларнинг кечиктирилиши ва тўлиқ берилмаслиги хариталарни тузиш муддатларининг кечикишига ёки умуман тўхтаб қолишига, кадрлар фаолият самарадорлигининг пасайишига ҳамда тузилаётган харита билан

боғлиқ пахтачилик, ғаллачилик каби қишлоқ хўжалиги соҳаларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатганлиги исботланган;

Ўзбекистонда картографик фаолиятни амалга оширишда асосий эътибор саноат, қишлоқ хўжалиги, ер ости сув манбалари ва доривор ўсимликлар хом ашё базаларини ташкил этишга ҳамда зарур ҳолларда ҳудудга хом ашёни ва ҳарбийларни олиб кириш ёки олиб чиқишга қаратилгани очиб берилган;

XX асрнинг ўрталаригача республикада картограф кадрларни тайёрлашга Ўрта Осиё давлат университети ва бошқа олий таълим муассасаларида етарлича эътибор қаратилмагани, уларнинг таълим олишлари учун етарлича ёки баъзан ўрин ажратилмагани оқибатида республикада етакчи маҳаллий картограф кадрлар муаммоси юзага келганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки йилларда картографик фаолият соҳасида ишларнинг тизимли ташкил этилмагани натижасида маълум бир ҳудуднинг харита тузиш мақсадида олинган суратлари жамланган маълумотномаларни топиш ҳамда ундан фойдаланишда юзага келадиган муаммолар кўрсатиб берилган;

тадқиқотда совет даврида картография бўйича қабул қилинган декретлар, қарорлар, низомлар, қурултой ҳамда конференциялар ҳужжатлари архив материаллари асосида очиб берилган ва давлат хариталарини тузиш ҳамда соҳа ривожига ҳисса қўшган миллий кадрлар фаолияти илк бор истеъмолга киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертацияда картография соҳасидаги назарий ёндашувлар ва усулларнинг қўлланилгани, илмий истеъмолга киритилмаган Ўзбекистон Миллий архиви (ЎЗМА)нинг Р-9, Р-10, Р-90, Р-831, Р-837, Р-2769, Р-2852 фондлари архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари ва адабиётлардан олинган маълумотлардан фойдаланилгани, таклиф, тавсия ва хулосаларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, совет даври Ўзбекистон картографияси тарихини объективлик принципларига таяниб, бирламчи архив манбалари асосида очиб берилгани муаммога оид методологик ёндашув ҳамда илмий хулосаларни такомиллаштириш учун имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда совет даврида амалга оширилган картографик тадқиқотлар натижалари тўғрисидаги маълумотлар ва илмий хулосаларидан Ўзбекистон тарихининг совет давридаги илм-фан тарихи бўйича билимларини атрофлича ёритиш, олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда назарий манба вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1924–1990 йилларда Ўзбекистонда картография тарихи: ҳолати, босқичлари ва муаммолари оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ўз фаолиятида республикада совет картография тизимининг шаклланиши тарихи, картограф кадрлар тайёрлашдаги муаммолар, Тошкент картография фабрикасининг (“Картография” ДИИЧК) ташкил этилиши ва фаолияти тарихи ҳақидаги маълумотлардан фойдаланган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 1 июлдаги 08-30-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши тасаввурни бойитишга имкон берадиган хариталар тайёрлашга хизмат қилган.

Ўзбекистонда картографик нашрлар, атласлар ва хариталар тузиш жараёнлари тарихи ва бу борадаги муаммоларни очиб беришга оид натижалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон тарихи” телеканали “Мавзу” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг 2020 йил 13 февралдаги 02-40-364-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув телетомошабинларга 1924–1990 йилларда Ўзбекистон картографияси ҳолати ҳақида тасаввурларини бойитишга хизмат қилган.

“Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Такдимот” кўрсатувида ҳам Совет даври Ўзбекистон картографиясига доир маълумотлардан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканали, 2020 йил 20 ноябрдаги 02-40-1150-сон маълумотнома). Ушбу илмий натижаларнинг қўлланиши, кўрсатувлар мазмун-моҳиятини жамоатчиликка янада кенгроқ очиб беришда муҳим аҳамият касб этган.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ўз фаолиятида “Юртим тарихини ўрганаман”, “Маърифатли ёшлар – миллат фаҳри” ва “Биз буюк алломалар фарзандларимиз” каби мавзулардаги мақсадли ва манзилли тарғибот тадбирларини ташкил этишда Ўзбекистонда картографик фаолиятни амалга оширишда асосий эътибор саноат, қишлоқ хўжалиги, ер ости сув манбалари ва доривор ўсимликлар хом ашё базаларини ташкил этишга қаратилгани хусусидаги хулосалардан фойдаланган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 23 августдаги 03/08-1001-сон маълумотномаси). Натижалар ёшларни Ўзбекистондаги картография ташкилотлари ва картограф олимлар фаолиятига оид билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 10 та илмий конференцияларда, шу жумладан, халқаро конференцияларда 6 та ва республика миқёсидаги 4 та илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 7 та, жумладан, 4 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати, шартли қисқартмалар ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, унинг ўрганилиш даражаси тавсифланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлиги асосланган ҳолда унинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларни амалиётга жорий этилиши, апробацияси ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Картография тарихини тадқиқ этишнинг назарий-методолик асослари”** деб номланган биринчи бобида хариталарни яратиш соҳасида картографик методлардан фойдаланиш жиҳатлари ва уларнинг илмий-амалий аҳамияти, инновациялар ҳамда замонавий технологиялар ютуқларини картография соҳасига жалб қилишнинг хориж тажрибаси таҳлил қилинган.

1920 йилларда картографиянинг вазифаси хариталарни тузиш ва кўпайтиришнинг илмий-техник усуллари ҳамда жараёнларини ишлаб чиқишни ўз ичига олган бўлиб, бу картографиянинг олдинги соф геометрик талқинларига нисбатан ривожланишдаги муҳим қадам бўлди. Шу билан бирга, хариталарни тузиш усулларига кўпроқ эътибор берилар экан, гарчи янги хариталарни яратиш учун уларнинг методларини ишлаб чиқиш, манбаларни тўплаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, уларнинг моҳиятини ўрганиш эътиборсиз қолаётган эди. Бу тафовут, айниқса, “Дунёнинг Катта Совет атласи” каби йирик картографик тадқиқотни яратишга киришилганида сезилди.

СССРда мамлакатни индустриллаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини янги, замонавий техника асосида қайта қуриш, мамлакат мудофаа қобилиятини ошириш, мамлакатдаги табиий ресурсларни ўрганиш, ҳисобга олиш ҳамда улардан унумли фойдаланиш каби вазифалар янги мукамал хариталарга бўлган талабни оширди. 1924 йилда Ўзбекистонда аэрофотосъёмка билан шуғулланадиган дастлабки ташкилот ва идоралар ташкил этилган. Бу ташкилотлар ер тузиш, ўрмонларни ўрганиш, ер қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фотосъёмкалар тайёрлаш ишларини бажарган.

30-йилларда фойдали қазилма бойликларни қидириб топишда, Ўзбекистон табиий ресурсларини ўрганишда ҳам аэрофотосъёмкалардан кўплаб фойдаланилди. Натижада аэрометоднинг илмий ва амалий самарадорлигига таъсир этувчи геологик қидирув, чўл ва чала чўл зоналарини ўрганишда, гидрологик тадқиқотларда ҳамда рельеф билан боғлиқ бўлган табиий географик объектларни хариталаштиришда аэрофотосъёмкадан фойдаланишда дастлабки тажрибага эга бўлинди¹⁴.

30-йилларнинг охиридан картография картографик хариталарни (воқеликни намоиш қилишнинг махсус методи сифатида) ва жараёнларни ўрганувчи фан сифатида танила бошланди¹⁵. Буларнинг барчаси картографиянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланишига ҳисса кўшди.

Диссертацияда картографик тадқиқотлар соҳасида алоҳида илмий йўналиш яратган хариталардан фойдаланиш назарияси асосчиси К.А.Салишев, унинг шогирдлари ва издошларининг меҳнати¹⁶, совет ва хорижий картографлардан А.В.Гедимин, А.Ф.Асланикашвили, Е.М.Николаевская, С.Н.Сербенюк, В.С.Тикунов, В.А.Червяков, А.Робинсон (АҚШ), В.Тоблер (Канада) каби олимларнинг илмий изланишларида хариталарни атроф-муҳитни билиш воситаси сифатидаги истиқболли аҳамияти очиб берилган¹⁷.

Хариталардан фойдаланиш методларини ишлаб чиқишда таникли географлардан С.Д.Муравейский, Н.Н.Баранский, К.К.Марков, Ю.Г.Симонов ва А.И.Спиридонов, Б.Б.Серапинасинг¹⁸, ушбу йўналишни ривожлантиришда А.П.Золовский, А.Г.Исаченко, А.И.Преображенский, Е.С.Фельдман, Ю.С.Фролов, В.П.Шоцкий, В.С.Южанинов¹⁹ ва бошқа

¹⁴ Мирзалиев Т. Космоснинг халқ хўжалигидаги хизмати. – Тошкент: Меҳнат, 1984. – Б. 6.

¹⁵ Салишев К.А. Картография. – М.: Высшая школа, 1982. – С. 257.

¹⁶ Берлянт А.М. Карта – второй язык географии. – М.: Просвещение, 1985. – С. 105.

¹⁷ Қаранг: Гедимин А.В. Практикум по картографии с основами топографии. – М.: Просвещение, 1981. – 144 с.; Асланикашвили А.Ф. Метакартография: Основные проблемы. – Тбилиси: Мецниереба, 1974. – 125 с.; Николаевская Е.М. Полевое картографирование в географических исследованиях. – М.: Изд-во МГУ, 1981. – 168 с.; Сербенюк С.Н. Картография и геоинформатика – их взаимодействие. – М.: Изд-во МГУ, 1990. – 157 с.; Тикунов В.С. Моделирование в картографии. – М.: Изд-во Московского университета, 1997. – 403 с.; Червяков В.А. Концепция поля в современной картографии. – Новосибирск: Наука, 1978. – 149 с.; Robinson A., Morrison J., Muehrke P., Kimmerling A., Guptill S. Elements of Cartography (6th Edition). – New York: Wiley, 1995. – 674 p.; Tobler W.R. *Ma Vie: Grandir en Amérique et en Europe* // *Mémoires de Géographes*. – Paris, 2000. – Pp. 209-242.

¹⁸ Қаранг: Муравейский С.Д. Реки и озера. Гидробиология. – М.: Географгиз, 1960. – 388 с.; Баранский Н.Н. Краткий курс экономической географии. – М.: ЛенинградГиз, 1928. – 456 с.; Марков К.К. К вопросу о значении исторического метода в географии: (география, палеогеография, историческая география) // Изв. Всесоюз. геогр. общ-ва. – М., 1947. – №2. – С. 115-126; Симонов Ю.Г. История географии в Московском университете: события и люди. Т. I. – М.: Городец, 2008. – 504 с.; Спиридонов А.И. Геоморфологическое картографирование. – М.: Недра, 1975. – 183 с.; Серапинас Б.Б. Математическая картография. – М.: Академия, 2005. – 336 с.

¹⁹ Қаранг: Золовский А.П. Картографирование продовольственных комплексов. – Киев: Наук. думка, 1987. – 128 с.; Исаченко А. Г. Физико-географическое картирование. – Л.: ЛГУ, 1958. – 232 с.; Преображенский А.И. Русские экономические карты и атласы. – М.: Гос. изд-во геогр. лит., 1953. – 321 с.; Грюнберг Г.Ю., Лапкина Н.А., Малахов Н.В., Фельдман Е.С. Картография с основами топографии: Учебное пособие для педагогических институтов. – М.: Просвещение, 1990. – 368 с.; Кондратенков Г.С., Фролов А.Ю. Радиовидение. Радиолокационные системы дистанционного зондирования Земли. – М.: Радиотехника, 2005. – 368 с.; Шоцкий В.П. Картографические методы исследования географических проблем сельского

картографларнинг хизматлари²⁰ қайд қилинган.

Шунингдек, тадқиқотда хариталарни тузишда картографик методлардан фойдаланишда зарур бўлган жиҳатлар²¹, картографик манбаларнинг турлари²², харита тузиш шакллари, босқичлари, ҳозирги кунгача картографлар орасида энг кенг тарқалган картографик методлар²³ ҳамда хариталардан илмий ва амалий фойдаланиш масалалари тадқиқ қилинган.

XX асрнинг 50-йилларидан фототасвир билан уйғунлаштирилган хариталар – фотохариталар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўшанда улар аэрофотосъёмкалар асосида нисбатан йирик (1:50 000) масштабларда тайёрланган. Кенг диапазонли масштабларда ва имкониятларда катта ҳудудий қамров билан космик суратларнинг олиниши 1:100 000 ва ундан майда масштабли фотохариталар тузиш учун имконият яратди²⁴.

1950–1980 йиллар масофани ўлчаш учун электрон топографик асбобларни ишлаб чиқиш, аксарият мамлакатлар томонидан миллий даражадаги топографик хариталарни яратиш учун фотограмметриядан кенг фойдаланиш, инерциал тизимлар ва янги технологиялар, ҳудуднинг аниқ шакли ва ҳажмини ўлчаш учун сунъий йўлдошлардан фойдаланиш билан тавсифланади. Бу даврда, шунингдек, топографик хариталашда маълумотларни замонавий илмий усуллар билан қайта ишлаш учун кенг қўлланиладиган электрон компьютерларнинг жадал ривожланиши билан ажралиб туради, бу эса эски эмпирик усулларга нисбатан юқори ҳисоблаш қувватини талаб қилади²⁵.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб янги, геоинформацион концепция шакллана бошлади. Бу концепцияда асосий назарий тадқиқотлар геоинформацион хариталаштириш, картографик моделлаштириш, картографик белгилар тизими назариясини ишлаб чиқишга ва белгилар тизимини тушуниш муаммоларини ечишга қаратилди²⁶.

Айни пайтда, замонавий тарихий хариталар билан ишлашда тадқиқотчи уларни даврлаштириш (палеографик, қоғоз мойбўёқли белгилар, изотоплар ёрдамида, шунингдек, объектларнинг пайдо бўлиши ёки йўқ бўлиб кетиши вақтига қараб таркибини таҳлил қилиш) ва уларни баҳолаш (тарихий далиллар, матнлар ва бошқалар билан боғлиқ) техникасини ўзлаштириш палласи бошланди. Шунинг учун ушбу масалаларни махсус кўриб чиқадиган нашрлар жуда фойдали бўлди²⁷.

хозяйства. – Ленинград: Наука, 1970. – 139 с.; Южанинов В.С. Картография с основами топографии. – М.: Высшая школа, 2001. – 300 с.

²⁰ Берлянт А.М. Карта – второй язык географии. – М.: Просвещение, 1985. – С. 105.

²¹ Салишев К.А. История картографии. Итоги науки и техники. Картография. Т. VI. – М.: ВИНТИ, 1974. – С. 232.

²² Ўша асар. – С. 75.

²³ Мирзалиев Т., Қорабоев Ж. Карталарни лойиҳалаш ва тузиш. – Тошкент: Талқин, 2007. – 24-25 б.

²⁴ Ибраимова А.А. Карталарни лойиҳалаш ва тузиш. – Тошкент: Тафаккур томчилари, 2021. – Б. 271.

²⁵ John N. Hatzopoulos. Topographic mapping. Covering the Wider Field of Geospatial Information Science & Technology (GIS&T). – Florida: Universal Publishers, 2008. – P. 7.

²⁶ Мирзалиев Т., Сафаров Э.Ю., Эгамбердиев А., Қорабоев Ж.С. Карташунослик. – Тошкент: Чўлпон, 2012. – Б. 11

²⁷ Harley J.B. The evolution of early maps: towards a methodology // *Imago Mundi*, 1968. – №22. – Pp. 62-74.

Замонавий картографик тадқиқот методида объектларнинг хилма-хил хусусиятларини ўрганиш, уларнинг миқдорий хусусиятлари ва фазовий тарқалиш белгиларини аниқлаш учун кўплаб методлар мавжуд. Бундан ташқари кўп қисмли хариталарни таҳлил қилиш ва турли ходисалар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш ёки уларнинг динамикасини кузатиш имконини берадиган визуал таҳлил, картометрик тадқиқотлар, график таҳлил, математик-статистик таҳлил, математик моделлаштириш методлари ҳам мавжуд²⁸.

Тадқиқотнинг биринчи боби хулосасида картография тарихини тадқиқ этишда совет ва хорижий олимлар томонидан илгари сурилган назарий-методологик ёндашувлар ҳамда хариталардан фойдаланиш муаммолари қайд этилган. Шу билан бирга хариталарни тузишда картографик методлардан фойдаланиш самаралари, хариталар билан ишлашдаги талаблар ва мавжуд камчиликлар етарлича ҳал қилинмагани кўрсатилган. Картографлар орасида энг кенг тарқалган картографик методлар ва тарихий хариталарда уларни қўллашнинг аҳамияти очиб берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбекистон ССРда картографиянинг ҳолати (20-йилларнинг ўрталари – 50-йиллар)” деб номланиб, унда мазкур масала илмий адабиётлар, архив маълумотлари ҳамда совет картографиясининг шаклланиш даврида соҳадаги энг муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар: фармон ва қарорларни умумлаштириш асосида очиб берилган²⁹.

Тадқиқотда ХХ асрнинг 20–30-йилларида сиёсий вазият, миллий зиёлилар аҳволи ҳамда онгни ўзгартиришда муҳим омил бўлган таълим ва фанга эътибор масалалари кўриб чиқилган³⁰. Хусусан, 20 йиллардаёқ профессор Н.И.Лебединскийнинг ташаббуси билан дастлаб Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да геодезия кафедраси очилди. Кейинчалик Ўрта Осиё политехника институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти, Тошкент темир йўллар транспорти институтида ҳам геодезистлар тайёрлана бошланди³¹.

ХХ асрнинг 20–30-йилларда Фарғона водийси, Мирзачўл, Тошкент ва Хоразм воҳаларининг хилма-хил топографик хариталари яратилишида Ўрта Осиё аэрофотогеодезия трести томонидан олиб борилган ишлар, Ўрта Осиёда аэросъёмка ишларини ташкил этишда Ҳарбий топография бошқармаси ва Кўнгилли учувчилар жамияти (Добролет)нинг хизматлари³², Ўзбекистоннинг иқлимий ва агроиқлимий хариталарини тузишда Е.П.Коровин, В.М.Четиркин, Р.И.Аболин, Л.Н.Бабушкин, В.А.Джорджио ва

²⁸ Берлянт А.М. Карта – второй язык географии. – М.: Просвещение, 1985. – С. 105-106.

²⁹ Умурзакова О.П. Торжество Ленинской национальной политики в Узбекистане // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1964. – №8-9. – С. 82; Салищев К.А. Картоведение. – М.: Изд-во Московского университета, 1990. – С. 364.

³⁰ Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). К.2. Ўзбекистон 1939–1991 йилларда / Маъсул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2019. – Б. 243.

³¹ Гальков Ч.В., Раҳимбеков Р.У., Югай Р.Л. Ўзбекистон карталари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 92.

³² ЎЗМА Р-9 фонд, 1-рўйхат, 1520-иш, 22-29-варақлар.

В.А.Бугаевнинг³³, пахта экинлари эгаллаган суғориладиган ерлар хариталарини тузишда В.И.Юферовнинг изланишлари³⁴ диссертацияда кўрсатиб берилган.

Иш жараёнидаги статистик-иктисодий ишларни жамлаш ва геодезик-картографик ишлар ҳисоботини умумлаштириш каби муаммолар картографик фаолиятнинг самарадорлигига таъсир этмай қолмасди³⁵. Шу пайтгача топогеодезия ва аэросъёмка ишлари аниқ ташкил этилмагани, керакли ҳисоботлар ўртасида боғлиқлик йўқлиги, бир қилинган ҳисоботдан иккинчисини тайёрлашда фойдаланилмагани катта муаммоларга сабаб бўлган. Ишларни оқилона ташкил этиш, ортиқча харажатларни бартараф этиш мақсадида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО) ташкилотлар орасида ҳужжатлар айланиши борасида бир қатор қарорлар қабул қилган³⁶.

Бу даврда Ўрта Осиё Иқтисодий кенгаши картографик режалар, техник таъминот ва молиявий имкониятни яхшилаш борасида бир қанча ислохотларни амалга оширган³⁷ ва сезиларли ижобий натижаларга ҳам эришган. Хусусан, 1931 йил охиригача Фарғона водийсида 4000 кв км, Бухоро округида 5000 кв км ҳамда Хоразм округида 4000 кв км (жами 13000 кв км) ҳудуд аэросъёмка қилинган³⁸. Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари учун қишлоқ хўжалик хариталари тузишда Ўрта Осиё аэрофотогеотрести (Средазаэрофотогеотрест) томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилган³⁹.

Ўзбекистон ҳудудининг ландшафт хариталари соҳасида Б.Б.Полинов, И.В.Ларин ва А.Д.Гожевнинг⁴⁰, боғдорчилик ва узумчилик хариталари (1931) соҳасида Н.К.Ярошевичнинг, суғориладиган пахта майдонлари, пахта-ғалла, ғалла, кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик, дашт ва чўллар ҳамда энг муҳим қоракўлчилик зоналари кўрсатилган И.П.Магидович ва А.А.Ульянов томонидан тузилган “Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий харитаси”⁴¹ ҳамда И.Г.Александрова томонидан тузилган Ўрта Осиёни электрлаштириш харитаси⁴² (1932) Ўзбекистон картографияси ривожига муҳим ўрин тутган.

Республикада картография соҳасини ривожлантиришда ва турли мазмундаги хариталар чоп этиб, жамоатчиликни хариталар билан таъминлашда Тошкент картография фабрикасининг аҳамияти катта. 1934 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ягона бўлган Тошкент картография фабрикаси (ҳозирги “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси)

³³ Гальков Ч.В., Раҳимбеков Р.У., Югай Р.Л. Ўзбекистон карталари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 94-99 б.

³⁴ Мирзалиев Т.М., Мухитдинов Ш.М., Базарбаев А. Атласное картографирование в Узбекской ССР. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 42.

³⁵ ЎзМА Р-9 фонд, 1-рўйхат, 1520-иш, 20-22-варақлар.

³⁶ ЎзМА Р-9 фонд, 1-рўйхат, 232-иш, 11-варақ; ЎзМА Р-9 фонд, 1-рўйхат, 233-иш, 52-57-варақлар.

³⁷ ЎзМА Р-9-фонд, 1-рўйхат, 302-иш, 83-варақ.

³⁸ Ўша жойда, 85-варақ.

³⁹ ЎзМА Р-9-фонд, 1-рўйхат, 2344-иш, 59-60-варақлар.

⁴⁰ ЎзМА Р-10-фонд, 1-рўйхат, 95-иш, 36-варақ.

⁴¹ Мирзалиев Т.М., Мухитдинов Ш.М., Базарбаев А. Атласное картографирование в Узбекской ССР. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 14.

⁴² ЎзМА Р-10-фонд, 1-рўйхат, 1151-иш, 8-варақ.

ташкил этилиб, давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларининг мавзули, сиёсий-маъмурий ва маълумотнома хариталари билан, шунингдек, умумтаълим муассасаларини ўқув-харита ва атласлар билан таъминлашдек кўплаб вазифаларни бажарди⁴³. Фабрикада фақат географик хариталар эмас, балки тарихга оид хариталар ҳам тузилиб чоп этилган.

1938 йил март ойида Халқ Комиссарлари Кенгашининг “Ўзбекистон хариталарини нашр этиш тўғрисида”ги қароридан сўнг фабрикада республиканинг маъмурий ва табиий хариталари ўзбек ва рус тилларида тузилиб, чоп этилган. Иккинчи жаҳон урушига қадар Ўрта Осиё харита фабрикасида махсус илмий хариталар – геологик, тупроқ, ўсимлик, иқлим, ирригация, қишлоқ хўжалиги хариталаридан ташқари, бир қанча ўқув хариталари ва ўрта мактаблар учун атласлар ҳамда 1940 йилда Ўзбекистон тоғли районларининг 1:5 000 000, текислик районларининг 1:1 000 000 масштабли геологик хариталари нашр этилган.

Ўтган асрнинг 30–50-йилларида маҳаллий мутахассислар хариталарни қўлда тайёрлашган. Бу ерда ўз ишининг моҳир усталаридан Л.С.Длугошек, В.Н.Чудаева, Е.А.Заботина, А.М.Сафронова ва Р.М.Марковалар самарали фаолият юритишган. Уруш йилларида картографларнинг фаолияти фронт учун топографик хариталар нашр этишга қаратилди. Аммо қоғоз танқис бўлган ўша оғир йилларда ҳам фабрикада мактаблар учун ўқув атласлари ва ёзувсиз хариталар нашр этиш тўхтаб қолмади.

Иккинчи жаҳон уруши СССР картография корхоналаридан фронтни сифатли харита ва режалар билан таъминлашни талаб қилди. Уруш йилларида катта картографик ишлар олиб борилиб, 4 млн. кв кмга яқин майдон топографик тадқиқотлар билан қамраб олинди. Уруш даври хариталарининг сифати урушгача чиқарилган хариталардан юқори эди. Шу туфайли уруш даврида янги хариталарни яратиш ва илгари чиқарилган хариталарни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари тўхтамади⁴⁴.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистоннинг хилма-хил геологик, тектоник, гидрогеологик ва қисман геоморфологик хусусиятларини ўз ичига олган хариталарини тузишда СССР Геология қўмитасининг Ўрта Осиё бўлими, Ўрта Осиё Сув хўжалиги бошқармаси, Геология-разведка институти (кейинчалик, Ўрта Осиё политехника институтининг геология-разведка факультети) ва трести, Ўзбекистон Геология бошқармасининг хизмати катта бўлган. Хусусан, 1941 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар қўмитаси (1932 йилда ташкил этилган) иштирокида “Ўрта Осиёнинг Марказий ва Жанубий қисмлари геологик харитаси” ва 3 жилдли “Ўзбекистон ССР геологияси” харитаси нашр этилган⁴⁵.

1950-йилларнинг охири ва 1960-йилларнинг бошидан эътиборан 1:1000 000 масштабли халқаро умумгеографик хариталарни яратиш бўйича Тошкент картография фабрикасида халқаро талаблар, кўрсатма ва

⁴³ Эгамбердиев А., Увраимов С. Атласлар – картографик энциклопедиялар. – Тошкент, 2017. – Б. 14.

⁴⁴ Гараевская Л.С. Картография. – М.: Недра, 1971. – С. 332.

⁴⁵ Иноятов Х.Ш. Трудовой вклад народов Узбекистана в разгром фашистской Германии // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1975. – №5. – С. 19.

йўриқномалар ишлаб чиқилиб, хариталар асосини ташкил этадиган манбаларни тўплашдаги қийинчиликларга қарамасдан, фабрика бу ишларни самарали бажарган.

Урушдан кейинги йилларда картография соҳасини фаол ривожлантириш мақсадида фабрикаи зарурий полиграфик ускуналар билан жиҳозлаш, хусусан, бир бўёқли “Терция” ва “Планета” каби босма офсет машиналарининг ўрнатилиши, икки хонали “Пасарелла” фотоаппарати, “Planeta super-Variant” икки бўёқли офсет машинаси, синов босма станоклари ва қоғоз кесиш машиналари билан жиҳозланиши картографик маҳсулот турларини анча кенгайтириш, уни тузиш ва нашрга тайёрлаш муддатларини қисқартириш имконини берди⁴⁶.

Фабрика Тошкент шаҳридаги кўп ташкилотлар, Москва ҳамда Новосибирск геодезия, аэрофотосуратга олиш ва картография институтлари, Тошкент Давлат университетининг география факультети, Тошкент топография техникуми ва бошқа ўқув юртлари битирувчилари⁴⁷, Ўрта Осиё республикалари ва Жанубий Қозоғистон, жаҳоннинг социалистик давлатларидан Монголия ва Куба билан ўзаро ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилиши ҳам унинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатган.

XX асрнинг 40–50-йилларида Н.В.Кимберг, З.Г.Федотова, Б.В.Горбунов, С.А.Шувалов ва М.А.Панков каби олимларнинг хизматлари билан Ўзбекистон ССРнинг янги тупроқ хариталари вужудга кела бошлаган⁴⁸. Бу даврда Бухоро вилоятининг 20 та, Сирдарёнинг 36 та, Самарқанднинг 33 та, Қашқадарёнинг 12 та, Сурхондарёнинг 9 та, Тошкент вилоятининг 9 та, Хоразмнинг 1 та, Фарғонанинг 13 та ва Қорақалпоғистон АССРнинг 6 та геоботаник хариталари тузилган⁴⁹.

Янги харита ва атласларнинг тузилиши, ўз навбатида, янги экспедициялар уюштиришни талаб этарди. Афсуски, бу соҳада ҳам зарур техника ва маблағ билан таъминлаш борасида бир қатор камчиликлар мавжуд эди. Хусусан, 1952 йил Ўзбекистон давлат геология қўмитаси Шарқий Нурота геосуратга олиш бўлимига 436 000 рубль ажратилган, лекин амалда 382 500 рубль тушган, холос⁵⁰.

Тадқиқотнинг иккинчи боби хулосасида Иккинчи жаҳон уруши мобайнида зарурий табиий ресурслар жойлашиш ўрнини аниқлаш ҳамда фронтни юқори сифатли харита ва режалар билан таъминлаш зарурияти юксак технологик асосга эга хариталарга бўлган талабни вужудга келтиргани ва бу борада Тошкент картография фабрикасида олиб борилган тадқиқотлар аҳамияти ҳамда XX асрнинг 60 йилларига қадар Ўзбекистон ички қисмларининг комплекс жиҳатдан тўлиқ ўрганилмагани қайд этилган.

⁴⁶ Мирзалиев Т., Сафаров Э.Ю., Эгамбердиев А., Қорабоев Ж.С. Карташунослик. – Тошкент: Чўлпон, 2012. – Б. 230.

⁴⁷ Эгамбердиев А., Увраимов С. Атласлар – картографик энциклопедиялар. – Тошкент: Картография ИИЧДК, 2017. – Б. 18.

⁴⁸ Ўша асар. – 97-98 б.

⁴⁹ Қаранг: Коровин Е.П. Геоботаническая карта Узбекистана // Юбил. сборник, посвященный 25-летию УзССР. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1949. – С. 179-180.

⁵⁰ ЎЗМА Р-381-фонд, 8-рўйхат, 232-иш, 34-варак.

Диссертациянинг “1960–1990 йилларда Ўзбекистонда картография соҳаси: хусусиятли жиҳатлари ва муаммолари” номли сўнгги бобида республика картографиясида ўқув турдаги хариталар ва тармоқ атласларининг яратилиш тарихи, соҳанинг кадрлар билан таъминланганлиги ҳолати кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда картография, айниқса, комплекс харитага олишнинг бошланиши 1960 йили Совет Иттифоқининг комплекс соҳавий “Қишлоқ хўжалик атласи” яратилган даврга тўғри келади⁵¹. Ўзбекистон ССР харитасида қишлоқ хўжалиги майдонларининг ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги бўйича, яйловлар фойдаланишнинг мавсумийлигига қараб бўлинган. Пахтачилик, боғдорчилик, узумчилик, пиллачилик, сабзавотчилик, ғаллачилик (буғдой, арпа, маккажўхори) майдонлари намойиш этилган⁵².

